



NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON TIZIMI

ID-6294 (V-1)

Ўзбекистон Республикаси Қонуни

Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг
Хуқуқларини Ҳимоя Қилиш тўғрисида

Лойиҳа

1-боб. Умумий Қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва Қўлланиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида фаолият кўрсатувчи онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Хуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасидаги ижтиомий муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни Ҳимоя Қилиш билан боғлиқ муносабатларга ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган оммавий ахборот воситаларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Хуқуқларини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Қонунчилик

Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа Қонунчилик ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Қонунчилигига назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари Қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда Қуидаги асосий тушунчалар Құлланилади:

аккаунт – онлайн-платформа фойдаланувчисининг онлайн-платформада рўйхатдан ўтгандан сўнг яратилган шахсий саҳифаси кўринишидаги ахборот ресурси;

блогер – ўз аккаунтида ёки оммавий Ҳамжамиятда ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа тусдаги контентни, шу жумладан онлайн-платформа фойдаланувчилари томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс (онлайн-платформа фойдаланувчи);

веб-сайт – онлайн-платформа белгиларига эга бўлмаган ва веб-сайт эгаси томонидан берилган домен номи ва белгиларидан иборат ноёб кўрсаткич (тармоқ манзили) орқали кириладиган бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидаги ахборот ресурси;

веб-сайт фойдаланувчи – веб-сайт ва унда жойлашган контентга веб-сайтда рўйхатдан ва идентификациядан ўтмасдан кириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

веб-сайт эгаси – веб-сайтдан фойдаланиш тартибини, шу жумладан ушбу веб-сайтда контент жойлаштириш тартибини мустақил равишда белгилайдиган жисмоний ёки юридик шахс;

ёлғон ахборот – ҳақиқатга мос келмайдиган, шахслар, ашёлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида фактларнинг бузиб кўрсатадиган, нотўғри таассурот уйғотадиган ҳар қандай шаклда қайд этилган маълумот;

инфлюенсер – онлайн-платформадаги ўз аккаунтида ёки оммавий Ҳамжамиятда ўн мингдан ортиқ обуначига эга бўлган блогер;

контент – белгилар ва (ёки) сигналлар ва (ёки) овозли маълумотлар ва (ёки) ёзма матн ва (ёки) тасвиirlар ва (ёки) товушлар ва (ёки) аудио-визуал хабарларни қабул қилиш ва (ёки) узатиш орқали онлайн-платформа мулқдори ёки фойдаланувчи ёхуд веб-сайт эгаси томонидан олинган ва (ёки) ишлаб чиқарилган ва (ёки) жойлаштирилган ва (ёки) тарқатилган ва (ёки) сақланган маълумотлар;

контентни тарқатиш — веб-сайт ёки онлайн-платформадан фойдаланган ҳолда контентни муайян фойдаланувчи ёки номуайян

доирадаги фойдаланувчилар танишиши учун жойлаштириш, юбориш, намойиш этишда ифодаланган ҳаракатлар мажмуи;

оммавий Ҳамжамиятнинг модератори – онлайн-платформанинг мулқдори ва (ёки) фойдаланувчиси бўлган, оммавий Ҳамжамиятда жойлаштириладиган контентни жойлаш ва (ёки) ўчириш ва (ёхуд) таҳрирлаш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

онлайн-платформа – фойдаланувчи ўзи яратган аккаунт ёки оммавий Ҳамжамият орқали контентни Қабул Қилиш, ишлаб чиқариш ва (ёки) ишлов бериш ва (ёки) жойлаштириш ва (ёки) тарқатиш ва (ёки) сақлаш учун мўлжалланган, Интернет жаҳон ахборот тармоғи бўйлаб ишлайдиган, ахборот ресурсларидан ташкил топган ахборот тизими ёки тезкор хабарлар алмашиш сервиси, бундан молиявий хизматлар, электрон тижорат, ички корпоратив хабар алмашиш сервислари, электрон почта, онлайн телевидение, контентни фақат онлайн сақлаш хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган Интернет жаҳон ахборот тармоғи бўйлаб ишлайдиган ахборот тизимлари мустасно;

онлайн-платформадаги оммавий Ҳамжамият (кейинги ўринларда – оммавий Ҳамжамият) – онлайн-платформа фойдаланувчиси томонидан номаълум сондаги онлайн-платформа фойдаланувчиларига мўлжалланган контент жойлаштириш учун яратилган онлайн-платформа саҳифаси кўринишидаги ахборот ресурси;

онлайн-платформанинг мулқдори – онлайн-платформага нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган шахс;

онлайн-платформанинг фойдаланувчи – онлайн-платформада ўзига оид, жумладан шахсга доир маълумотларини аккаунт яратган Ҳолда рўйхатдан ўтказган ва (ёки) тақдим этган ва (ёхуд) идентификациядан ўтган жисмоний ёки юридик шахс;

онлайн-платформанинг тавсия тизими – ўз интерфейсида онлайн-платформа контентининг устуворлигини, шунингдек Қидирув натижаларининг устуворлигини белгиловчи тўлиқ ёки Қисман автоматлаштирилган онлайн-платформа тизими;

профиллаш – шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш орқали онлайн-платформа фойдаланувчиларининг ташаббус-истаклари ва (ёки) Қизиқишлигини аниқлашга қаратилган алгоритмлар тўплами;

спам ресурс – реклама, молиявий характердаги муайян ҳаракатларни бажаришга алдов йўли билан мажбур Қиладиган ҳаволалар, заарли дастурлар ёки бошқа номақбул материалларни ўз ичига олган электрон хабарларни олувчининг олдиндан розилигисиз оммавий тарқатиш учун мўлжалланган ахборот ресурси;

тезкор хабарлар алмашиш сервиси – телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган Ҳолда реал вақт режимида тезкор хабарлар алмашиш ёки уларни маълум бир шахсга (маълум шахсларга) узатиш учун мўлжалланган дастурий таъминот кўринишидаги ахборот тизими, бундан молиявий хизматлар, электрон тижорат, ички корпоратив хабар алмашиш сервислари ва электрон почта хизматлари учун мўлжалланган дастурий таъминот мустасно;

фишинг ресурси – умумий фойдаланишдаги веб-сайт, мобил илова ёки онлайн-платформалар шаклини тақрорлаш орқали фойдаланувчиларни чалғитган Ҳолда уларнинг шахсга доир маълумотлари, идентификация маълумотлари, тўлов реквизитлари ва бошқа маълумотларни ноқонуний олиш учун атайин яратилган ахборот ресурси.

4-модда. Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилишнинг асосий принциплари

Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилишнинг асосий принциплари Қуйидагилардан иборат:

- 1) Қонунийлик;
- 2) фойдаланувчилар Ҳуқуқларининг устуворлиги;
- 3) фойдаланувчиларнинг Қонунга мувофиқ ҳар Қандай маълумотни излаш, олиш ва тарқатиш Ҳуқуқини таъминлаш;
- 4) контентга нисбатан цензурага йўл Қўймаслик;
- 5) Интернет жаҳон ахборот тармоғига киришни таъминлаш учун шароит яратиш;
- 6) онлайн-платформа мулкдорлари ва веб-сайт эгалари билан Ҳар томонлама Ҳамкорлик.

**2-боб. Онлайн-платформа ва веб-сайтлар
фойдаланувчиларининг ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасини давлат
томонидан тартибга солиш**

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчилари ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1) онлайн-платформа ва веб-сайтлардан фойдаланувчилар ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади;

2) онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил Қиласди;

3) республика ижро этувчи Ҳокимият органларининг онлайн-платформа ва веб-сайтлардан фойдаланувчилар ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

4) онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҲасидаги норматив Ҳужжатларни тасдиқлади;

5) онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасида халқаро Ҳамкорликни ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. **Онлайн-платформа ва веб-сайтлар**
фойдаланувчиларининг ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасидаги
ваколатли органнинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҲасида ваколатли давлат органи (бундан бўён матнда ваколатли орган деб юритилади) ҳисобланади.

Ваколатли орган:

1) онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

2) онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасида давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

3) ўз ваколатлари доирасида норматив-Ҳуқуқий Ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш бўйича Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

4) онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш, шу жумладан, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш бўйича Қонунчиликнинг бажарилишини назорат Қиласди;

5) ноқонуний контентни аниқлаш мақсадида онлайн-платформа ва веб-сайтлар мониторингини амалга оширади, аниқланган Ҳуқуқбузарликлар бўйича Ҳуқуқни муҳофаза Қилувчи органларга мурожаат Қиласди;

6) онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш бўйича Қонунчилик талабларини бузиш Ҳолатларини аниқлаганда ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва Ҳолларда уларни бартараф этиш бўйича қўрсатма ва тақдимномалар беради;

7) онлайн-платформа мулқдори ва (ёки) унинг вакилидан онлайн-платформадаги фойдаланувчиларнинг суткалик сонига оид маълумотларни сўраб олади;

8) агар онлайн-платформада фойдаланувчилар сонини аниқлаш функцияси мавжуд бўлмаса, фойдаланувчилар сонини аниқлаш чораларини кўради;

9) онлайн-платформа мулқдорлари ва (ёки) унинг вакилларидан Қўзғатилган жиноят иши доирасида дастлабки тергов ва суриштирув органлари ҳамда суд томонидан берилган расмий сўров асосида онлайн-платформа фойдаланувчилари ҳақида маълумотларни сўраб олади;

10) ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб Қарши курашиш бўйича чоратадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

11) ўз ваколатлари доирасида онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасида халқаро Ҳамкорликни амалга оширади.

Ваколатли орган Қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни Ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Онлайн-платформалар фаолиятининг Ҳуқуқий режими

7-модда. Онлайн-платформаларнинг функция ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси онлайн-платформаларнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳудудидаги фаолиятининг Ҳуқуқий режимини, яъни улар фаолиятини амалга ошириш учун алоҳида шарт-шароитларни ўрнатадиган Ҳуқуқий нормалар мажмуини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида фаолият кўрсатадиган онлайн-платформалар Қуйидаги функцияларга эга бўлиши керак:

1) Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида фойдаланувчилар сонини аниқлаш;

2) онлайн-платформа фойдаланувчилари ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ шикоят бериши ва унинг Қабул Қилинганлигини автоматик равишда тасдиқлаш;

3) онлайн-платформа фойдаланувчиларига онлайн-платформа мулкдорининг контентни ўчириш ҳақидаги Қарори бўйича низолашиш имконини берадиган тарзда шикоятларни Қайта ишлаш;

4) онлайн-платформа фойдаланувчилари томонидан онлайн-платформада уларни Қизиқтирмайдиган контентни кўрсатишни чеклаш.

Онлайн-платформа мулкдори Қуйидаги мажбуриятларга эга:

1) ваколатли орган билан ўзаро алоқалар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан ўзининг вакилини белгилаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида ноқонуний контентнинг тарқалишига Қарши чоралар кўриш ва ушбу чоралар ҳақида ваколатли органни хабардор Қилиш;

3) онлайн-платформа фойдаланувчиларига онлайн-рекламани матнли ва (ёки) график ва (ёхуд) бошқа белгилашлар ёрдамида аниқлаш учун техник имкониятларни таъминлаш;

4) ваколатли органнинг онлайн-платформадаги фойдаланувчиларнинг суткалик сонига оид маълумотларни ҳамда онлайн-платформа фойдаланувчилари ҳақида маълумотларни, жумладан Қўзғатилган жиноят иши доирасида дастлабки тергов ва суриштирув органлари ҳамда суд томонидан берилган расмий сўров асосида олиш бўйича юборилган сўровини олган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқиш ва сўралган маълумотларни онлайн-платформанинг махфийлик сиёсатига мувофиқ равишда тақдим этиш;

5) ваколатли органнинг тақдимномалари қабул қилиниши, кўриб чиқилиши ва ушбу Қонуннинг 15 ва 24-моддаларида белгиланган чоралар кўрилишини таъминлаш;

6) инсон ҳаёти ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи вазият тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган аниқланган контент бўйича ушбу Қонуннинг 8-моддасида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан тезкор Ҳамкорлик алоқаларини сақлаб туриш;

7) онлайн-платформа фойдаланувчиларининг ёзишмалари, сўзлашувлари, поча, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланишини таъминлаш;

8) онлайн-платформа фойдаланувчиларига уларнинг контенти онлайн-платформадан ўчирилишининг сабаблари ҳақида маълумот тақдим этиш;

9) онлайн-платформа фойдаланувчиларини молиявий характердаги муайян ҳаракатларни бажаришга алдов йўли билан мажбур Қиладиган чалғитувчи интерфейслардан фойдаланмаслик;

10) ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда уларнинг онлайн-платформага кириш учун техник имкониятларни Қўллаб-Қувватлаш;

11) онлайн-платформа фаолиятининг сўнгги олти ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида фойдаланувчилар сонининг ўртача

ойлик миңдори Ҳақида маълумотни очиқ фойдаланиш учун жойлаштириш ва мазкур маълумотни Ҳар олти ойда янгилаб бориш;

12) болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

13) Конуний күчга кирган суд Қарорларининг ижросини таъминлаш.

Ушбу модданинг учинчи Қисми 1-банди бир ой ичидаги йўртака кунлик Ўзбекистон Республикаси Ҳудудидаги фойдаланувчилар кириш сони юз мингдан ортиқ бўлган онлайн-платформаларга нисбатан Қўлланилади.

Ваколатли орган Қонунчиликда белгиланган тартибда онлайн-платформаларнинг вакиллари рўйхатини юритади.

8-модда. Онлайн-платформанинг ҲуҚуҚни муҲофаза
Қилувчи органлар билан Ҳамкорлиги

Онлайн-платформа мулкдори инсон ҳаёти ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи вазият тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган аниқланган контент бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза Қилувчи органлар билан тезкор ҳамкорлик алоқаларини сақлаб туради.

Инсон ҳаёти ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи вазият тўғрисидағи маълумотни ўз ичига олган контентни аниқлаш онлайн-платформа фойдаланувчиларининг шикоятларини Қайта ишлаш ёки онлайн-платформада контентни мустақил равишда модерация Қилиш орқали амалга оширилиши мүмкин.

Инсон ҳаёти ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи вазият тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган контент бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза Қилувчи органларига тақдим этилган ахборот Қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- 1) контентнинг тавсифи ва (ёки) тасвири (агар мавжуд бўлса);
 - 2) контентнинг жойлаштирилган вақти, вақтни аниқлаш учун фойдаланилган соат минтақасини кўрсатган ҳолда;
 - 3) контентни жойлаштирган онлайн-платформа фойдаланувчиси номи, онлайн-платформага кириш учун ишлатилган IP-манзил ва Қурилма номланиши, шу жумладан, вақтни аниқлаш учун ишлатилган соат минтақасини кўрсатган ҳолда охирги кириш вақти.

Ахборот тақдим этиш электрон шаклда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан онлайн-платформа мулкдорига расмий равишда тақдим этилган маҳсус алоқа каналлари ёки маҳсус тасдиқланган аккаунт орқали амалга оширилиши керак.

9-модда. Онлайн-платформаларда шахсга доир маълумотларни Ҳимоя Қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Онлайн-платформа мулкдори ва (ёки) унинг вакили онлайн-платформада шахсга доир маълумотларни Ҳимоя Қилиш мақсадида:

1) онлайн-платформа фойдаланувчиларини уларнинг рўйхатдан ўтказилиши якунланишидан олдин онлайн-платформанинг маҳфийлик сиёсати билан таништиради;

2) шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги, сақланиши ва маҳфийлигига риоя Қилинишини таъминлайди;

3) онлайн-платформа фойдаланувчиси ёки унинг Қонуний вакилининг розилигисиз шахсга доир маълумотларнинг тарқалишига йўл Қўймайди;

4) онлайн-платформа фойдаланувчисининг шахсга доир маълумотларининг маҳфийлиги бузилган тақдирда, уни дарҳол хабардор Қиласи;

5) Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажаради.

10-модда. Онлайн-платформа фойдаланувчиларнинг шикоятларини бериш ва Қайта ишлаш

Онлайн-платформа фойдаланувчиси онлайн-платформа мулкдорига бошқа фойдаланувчиларнинг контенти ва (ёки) онлайн-платформанинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги бўйича шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Онлайн-платформа фойдаланувчиси томонидан шикоят бериш механизми ва қоидалари онлайн-платформа мулкдори томонидан белгиланади.

Шикоят бериш механизми фойдаланувчига қулай бўлиши ва шикоятнинг мазмунини таърифлаш имкониятини назарда тутиши керак.

Шикоятни қўриб чиқиши муддати онлайн-платформа мулкдори томонидан белгиланади, аммо шикоят олинган қундан бошлаб ўн беш қундан ошмаслиги керак.

11-модда. Онлайн-платформанинг тавсия тизими

Онлайн-платформанинг тавсия тизимида ишлатиладиган параметрлар онлайн-платформанинг фойдаланувчи шартномасида (келишувида) тавсифланиши керак.

Онлайн-платформанинг тавсия тизими онлайн-платформа фойдаланувчисига профиллашдан фойдаланмасдан контентни олиш имкониятини бериши керак.

Муайян ирқ ёки миллатга мансублигига, сиёсий Қарашларига, шахсни идентификациялаш мумкин бўлган биометрик ёки шахсга доир маълумотларга ва онлайн-платформа фойдаланувчиси саломатлиги ҳолати ҳақида маълумотларга асосланган профиллаш тақиқланади.

12-модда. Контентни модерация Қилиш

Онлайн-платформа мулкдори Қуйидагиларни такомиллаштириш бўйича чораларни кўриши шарт:

- 1) контентни модерация Қилиш тизимларини;
- 2) сунъий интеллект технологиялари ушбу Қонун талабларидан келиб чиқиб ишлашини;
- 3) онлайн-платформада болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя Қилишни таъминлайдиган тизимларни;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ноқонуний контентни тарқалишига қарши курашиш механизmlарини;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик механизmlарини.

4-боб. Ахборотни ноқонуний контент сифатида белгилаш тартиби ва ноқонуний контентни ўчириш, унинг тарқатилишини тўхтатиш чоралари

13-модда.
Ахборотни ноқонуний контент сифатида белгилаш учун асослар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида онлайн-платформа ва веб-сайтларда ноқонуний контентни тарқатиш тақиқланади.

Қүйидагилар ноқонуний контент ҳисобланади:

- 1) амалдаги конституциявий тузумни, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини зўравонлик билан ўзгартиришга чақириқларни ўз ичига олган маълумотлар;
- 2) оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик Қилишга, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштиришга Қаратилган маълумотлар;
- 3) жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид соловчи ёлғон ахборот;
- 4) уруш, зўравонлик ва терроризм, шунингдек экстремизм, сепаратизм ғоялари, экстремистик ва террористик ташкилотларнинг атрибулари ва рамзлари;
- 5) давлат сирларини ёки Қонун билан Қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этувчи маълумотлар;
- 6) миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни Қўзғатувчи маълумотлар;
- 7) жамиятга, давлатга, шу жумладан давлат рамзларига Ҳурматсизликни кўрсатувчи номақбул шаклда ифодаланган маълумотлар;
- 8) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташвиқот Қилувчи маълумотлар;
- 9) порнографик маҳсулот, шафқатсизликни тарғиб Қилувчи, шунингдек ўз жонига қасд Қилишга даъват этувчи маълумотлар;
- 10) фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни, уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига таҳдид соладиган Қонунга хилоф ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқача тарзда жалб Қилишга Қаратилган маълумотлар;
- 11) фишинг ва спам ресурсларга ҳаволаларни ўз ичига олган маълумотлар;
- 12) жиноий, маъмурий ёки Қонунда белгиланган бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни Қилишга даъват этувчи маълумотлар.

14-модда. Онлайн-платформа ва веб-сайтлар мониторинги

Онлайн-платформа ва веб-сайтлар мониторинги ноқонуний контентни аниқлаш мақсадида ваколатли орган томонидан мустақил амалга оширилади.

Онлайн-платформа ва веб-сайтларни мониторинги ваколатли органга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мониторинг натижалариға қўра, онлайн-платформа ва веб-сайтда ноқонуний контент аниқланган тақдирда ваколатли орган томонидан бир иш куни ичида тегишли хulosаси тайёрлайди.

Ваколатли органнинг хulosасида Қуидагилар акс эттирилиши керак:

- 1) хulosаси тузилган сана;
- 2) ўрганиш мавзуси;
- 3) контент ноқонуний деб топилиши асослари ва белгилари;
- 4) ўтказилган ўрганишлар бўйича хulosалари.

Мониторинг натижаларини экспертизадан ўтказиш учун ваколатли орган тегишли экспертиза муассасалариға мурожаат Қилишга ҳақли.

15-модда. Ноқонуний контентни ўчириш, унинг тарқатилишини тўхтатиш ҳамда аккаунт ёки оммавий ҳамжамиятнинг фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида кўрсатмалар юбориш тартиби

Ваколатли орган ноқонуний контент аниқлангандан кейин йигирма тўрт соат ичида веб-сайт эгасига ёки онлайн-платформа фойдаланувчисига ёхуд оммавий ҳамжамият модераторига ноқонуний контентни ўчириш, тарқатишни тўхтатиш тўғрисида хulosага асосан кўрсатма юборади.

Кўрсатмада веб-сайт, онлайн-платформа аккаунти ёки оммавий ҳамжамиятнинг номланиши, ноқонуний контентга ҳавола ва у жойланган вақт, ноқонуний контентни тарқатганлик учун Қонунчиликда ўрнатилган жавобгарлик тўғрисида маълумот кўрсатилади, шунингдек, ноқонуний контентнинг экрандаги сурати нусхаси илова Қилинади.

Веб-сайт эгаси ёки онлайн-платформа фойдаланувчиси ёхуд оммавий ҳамжамият модератори кўрсатмада кўрсатилган ноқонуний контентни ўчиришга, унинг тарқатилишини тўхтатишга мажбур ҳамда

кўрсатма Қабул Қилганидан кейин ўн икки соатдан кечиктиrmай бу ҳақида ваколатли органни хабардор Қилиши шарт.

Веб-сайт эгаси томонидан мазкур модданинг биринчи Қисмида белгиланган кўrсатма талаби бажарилмаган тақдирда ёки веб-сайт эгасини аниқлаш имкони ёхуд Қайта алоқа ўрнатиш учун маълумотлар мавжуд бўлмаганда, ваколатли орган ушбу Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу веб-сайтга киришни чеклаш чораларини кўради.

Онлайн-платформа фойдаланувчиси ёки оммавий Ҳамжамият модератори томонидан мазкур модданинг биринчи Қисмида белгиланган кўrсатма талаби бажарилмаган тақдирда ёхуд онлайн-платформа фойдаланувчиси ва оммавий Ҳамжамият модераторини аниқлаш имкони ёхуд Қайта алоқа ўрнатиш учун маълумотлар мавжуд бўлмаганда, ваколатли орган томонидан онлайн-платформа мулқдорига ва (ёки) унинг вакилига ноқонуний контентни ўчириш, унинг тарқатилишини тўхтатиш тўғрисида йигирма тўрт соатдан кечиктиrmай кўриб чиқилиши шарт бўлган тақдимнома юборади.

Онлайн-платформа фойдаланувчиси ёки оммавий Ҳамжамият модератори муnтазам равишда (бир календарь йил давомида уч мартадан ортиқ) ноқонуний контентни ўчириш, унинг тарқатилишини тўхтатиш тўғрисидаги кўrсатма талабларини бажармаса, ваколатли орган тегишли онлайн-платформа мулқдорига ва (ёки) унинг вакилига онлайн-платформа фойдаланувчисининг аккаунти ёки оммавий Ҳамжамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятини олти ойгача тўхтатиш тўғрисидаги йигирма тўрт соатдан кечиктиrmай кўриб чиқилиши шарт бўлган тақдимнома юборади. Бунда, онлайн-платформа мулқдори онлайн-платформа фойдаланувчиси ёки оммавий Ҳамжамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисидаги Қарор Қабул Қилингандиги ҳақида ушбу Қарор Қабул Қилиниш асосларини кўrсатган ҳолда олдиндан хабардор Қилиши шарт.

Онлайн-платформа мулқдори ва (ёки) унинг вакили томонидан мазкур модданинг бешинчи ва олтинчи Қисмида кўrсатилган тақдимномалар Қаноатлантирилмаган тақдирда, ваколатли орган

онлайн-платформа мулкдори ва (ёки) унинг вакилига тақдимнома юборилган кундан бошлаб бир ой ичида ноқонуний контентни ўчириш, унинг тарқатилишини тўхтатиш ёки онлайн-платформа фойдаланувчисининг аккаунти ёки оммавий ҳамжамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятини олти ойгача тўхтатиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат Қилиш Ҳуқуқига эга.

Суд ваколатли органнинг даъво аризасини кўриб чиқишида ваколатли органнинг онлайн-платформа фойдаланувчиси ёки оммавий Ҳамжамият модераторига ва онлайн-платформа мулкдори ва (ёки) унинг вакилига юборилган қўрсатма ва тақдимномаларнинг Қонунийлиги ва асослилигини ўрганади.

Даъво аризаси Қаноатлантирилган тақдирда ваколатли орган суд Қарори электрон нусхасини онлайн-платформа мулкдори ва (ёки) унинг вакилига юборади.

Мазкур моддада келтирилган кўрсатма ва тақдимномалар ваколатли органнинг расмий ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

16-модда. Онлайн-платформадан Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида фойдаланиш тезлигини пасайтириш асослари ва тартиби

Онлайн-платформа мулкдори ва (ёки) унинг вакили томонидан суд Қарорлари мунтазам равишда ижро этилмаётган тақдирда, ваколатли орган онлайн-платформадан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш тезлигини пасайтириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Даъво ариза Қаноатлантирилган тақдирда онлайн-платформанинг идентификация маълумотлари (ноёб домен номлари, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги онлайн-платформани аниқлаш имконини берувчи тармоқ манзиллари) ваколатли орган томонидан шакллантириладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш тезлиги пасайтирилган онлайн-платформалар ва кириш чекланган веб-сайтлар реестрига (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) ушбу Қарорни қабул қилиш учун асос бўлган тегишли суд Қарори мажбурий кўрсатилган ҳолда киритилади.

Онлайн-платформадан Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида фойдаланиш тезлигини пасайтириш учун ташкилий ва дастурий-техник чора-тадбирлар мажмуи Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги (бундан бўён матнда маҳсус ваколатли орган деб юритилади) томонидан Реестрга онлайн-платформанинг идентификация маълумотларини киритгандан кейин йигирма тўрт соат ичida кўрилади.

Реестрга киритилган онлайн-платформанинг идентификация маълумотлари ўзгарган тақдирда, ўзгартирилган маълумотлар илгари Қабул Қилинган суд Қарори асосида Реестрга киритилиши керак.

17-модда. Ноқонуний контентни тарқатаётган веб-сайтга киришни чеклаш тартиби

Ваколатли орган ноқонуний контентни ўчириш, унинг тарқатилишини тўхтатиш тўғрисидаги кўрсатмани бажариш муддати тугагандан сўнг у бажарилмаса, ёки веб-сайт эгасини аниқлаш имкони ёхуд Қайта алоқа ўрнатиш учун маълумотлар мавжуд бўлмаганда дарҳол веб-сайт идентификация маълумотларини (ноёб домен номлари, саҳифа жойлаштирувчилари ҳамда веб-сайтни аниқлаш имконини берувчи веб-сайтлар ва тармоқ манзиллари)ни Реестрга киритади.

Маҳсус ваколатли орган ваколатли орган томонидан веб-сайтнинг идентификация маълумотлари киритилганидан кейин йигирма тўрт соат ичida Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида веб-сайтга киришни чеклаш бўйича ташкилий ва дастурий-техник чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади ҳамда киришни чеклаш учун асосларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда веб-сайт эгасини хабардор Қилади.

Ноқонуний контент веб-сайтнинг бир ёки бир нечта саҳифаларида тарқатилган бўлса ҳам, веб-сайтга кириш бутунлай чекланади. Маҳсус ваколатли орган ушбу веб-сайтга кириш чекланганлиги, чеклаш асослари тўғрисидаги ахборот хабари ва ваколатли орган билан боғланиш учун алоқа маълумотларини веб-сайтга кирмоқчи бўлганда кўринадиган тарзда жойлаштиради.

Реестрга киритилган веб-сайтнинг идентификация маълумотларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ўзгартирилган маълумотлар илгари Қабул Қилинган Қарор асосида Реестрга киритилиши керак.

18-модда. Шикоят Қилиш ҲуҚуқи

Онлайн-платформа мулкдори ва (ёки) унинг вакили, онлайн-платформа фойдаланувчиси ҳамда веб-сайт эгаси ваколатли органнинг кўрсатмалари, тақдимномалари устидан суд тартибида шикоят Қилиш ҲуҚуқига эга.

Ваколатли органнинг кўрсатмаси, тақдимномаси устидан судга шикоят Қилиш унинг ижросини ушбу масала бўйича суд Қарори Қонуний кучга киргунга Қадар тўхтатиб туради.

Онлайн-платформа мулкдори ва (ёки) унинг вакили, веб-сайт эгаси ваколатли органнинг хulosаларига ўз мулоҳазаларини билдириш ҲуҚуқига эга.

19-модда. 19-модда. Реестрдан чиқариш тартиби

Онлайн-платформа идентификация маълумотларини Реестрдан чиқариш ваколатли орган томонидан Қуйидаги асослар мавжуд бўлса амалга оширилади:

1) онлайн-платформа мулкдорининг ёки унинг вакилининг ноқонуний контентлар ўчирилганлиги, уларнинг тарқатилиши тўхтатилганлиги, ёки ноқонуний контент тарқатаётган онлайн-платформа фойдаланувчиларининг аккаунтлари ёки оммавий ҳамжамиятларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти тўхтатиб турилганлиги тўғрисида ёзма (электрон) хабарномаси;

2) веб-сайт эгасининг ноқонуний контент ўчирилганлиги, унинг тарқатилиши тўхтатилганлиги тўғрисидаги ёзма (электрон) хабарномаси;

3) онлайн-платформанинг идентификация маълумотларини Реестрга киритиш учун асос бўлган суд Қарорини бекор Қилиш тўғрисидаги Қонуний кучга кирган юқори турувчи инстанция судининг Қарори;

4) веб-сайт эгасининг шикоят аризасига асосан веб-сайт идентификация маълумотларини Реестрдан чиқариш тўғрисидаги суднинг Қонуний кучга кирган Қарори.

Бунда, тегишли маълумотларнинг тарихи уларга киритилган ўзgartiriшлар вақти кўрсатилган ҳолда Реестрда сақланади.

Ваколатли орган ушбу модда биринчи Қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган хабарномаларни олган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичидаги ушбу фактни текширади ва онлайн-платформа ёки веб-сайтнинг тегишли идентификация маълумотларини Реестрдан чиқаради ҳамда бу ҳақида дарҳол маҳсус ваколатли органга хабар беради.

Ваколатли орган ушбу модда биринчи Қисмининг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган суд Қарорлари нусхасини олгандан сўнг дарҳол тегишли идентификация маълумотларини Реестрдан чиқаради ва бу ҳақида дарҳол маҳсус ваколатли органга хабар беради.

Маҳсус ваколатли орган хабарномани олгандан сўнг йигирма тўрт соат ичидаги онлайн-платформа ёки веб-сайт идентификация маълумотларини Реестрдан чиқаради ҳамда онлайн-платформадан Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида фойдаланиш тезлигини пасайтириш ёки веб-сайтга киришни чеклаш бўйича илгари кўрилган чоратадбирларни бекор Қилади.

20-модда. Ёлғон ахборотни ўчириш

Онлайн-платформа ёки веб-сайтда ўзи ҳақида ёлғон ахборот тарқатилган жисмоний ёки юридик шахс (уларнинг вакиллари) веб-сайт эгаси ёки оммавий ҳамжамият модераторига ёхуд онлайн-платформанинг мулқдори ва (ёки) унинг вакилига асослантирилган маълумотлар ёки суд Қарорини тақдим этган ҳолда бевосита ўзи ёки ваколатли орган орқали ёлғон ахборотни ўчириш талаби билан мурожаат Қилишга ҳақли.

Ёлғон ахборотни ўчириш рад этилган тақдирда шахс белгиланган тартибда судга мурожаат Қилишга ҳақли.

5-боб. Фойдаланувчилар, блогерлар, инфлюенсерлар ва веб-сайт эгаларининг Ҳуқуқ ва мажбуриятлари

21-модда. Фойдаланувчилар, блогерлар, инфлюенсерлар ва веб-сайт эгаларининг Ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фойдаланувчилар, блогерлар, инфлюенсерлар ва веб-сайт эгалари Қуйидаги Ҳуқуқларга эга:

- 1) онлайн-платформада аккаунт, оммавий ҳамжамият очиш;

2) онлайн-платформадан фойдаланиш Қоидалари ва шартлари түғрисида тўлиқ ва ишончли маълумот олиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари билан тақиқланмаган ҳар Қандай усулда контентни тайёрлаш, олиш, тарқатиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ онлайн-платформа ва веб-сайтларда фикрни эркин ифода этиш;

5) ўз Ҳуқуқлари, эркинликлари ва Қонуний манфаатлари, шаъни ва Қадр-Қимматини ваколатли органга мурожаат Қилиш ёки суд тартибида Ҳимоя Қилиш;

6) онлайн-платформа мулкдори ёки оммавий Ҳамжамият модератори ёхуд веб-сайт эгасига ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Қонунларида назарда тутилган Ҳуқуқлари, эркинликлари ва Қонуний манфаатларига амал Қилиниши, шаъни ва Қадр-Қиммати Ҳурмат Қилиниши юзасидан талаб (эътиroz) билан мурожаат Қилиш;

7) ўзининг ижодий, тижорат ва бошқа Қонуний фаолиятидан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига ва онлайн-платформадан фойдаланиш Қоидаларига мувофиқ даромад олиш;

8) агар ўз Қизиқишилари ва Қарашларига зид келса, онлайн-платформалар томонидан таклиф этиладиган маҳсулотларни рад этиш;

9) онлайн-платформада ўзларини Қизиқтирмайдиган контент намойиш этилишини чеклаш;

10) ўзининг аккаунтига ёки оммавий Ҳамжамиятига ёхуд веб-сайтига кирилишини асоссиз чекланишидан Ҳимояланиш, кириш чекланганда унинг сабаблари кўрсатилган Ҳолда хабарнома олиш.

Фойдаланувчилар, блогерлар, инфлюенсерлар ва веб-сайт эгалари Қуйидаги мажбуриятларга эга:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига амал Қилиш;
- 2) шахснинг Ҳуқуқ ва эркинликлари, шаън ва Қадр-Қимматини Ҳурмат Қилиш;
- 3) ноқонуний контентни тарқатмаслик;
- 4) ноқонуний контент тарқатилган Ҳолларда уни ўчириш;
- 5) онлайн-платформалар ёки веб-сайт орқали ихтиёрий ҳомийлик маблағларини йиғища Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилиги жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,

терроризмни молиялаштиришга ва оммавий Қирғин Қуролини тарқатишни молиялаштиришга Қарши курашиш түррисидаги Қонунчиллик талаблариға риоя Қилиш.

22-модда. Инфлюенсер ва веб-сайт әгаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Инфлюенсер ва веб-сайт әгаси мазкур Қонуннинг 21-моддасида белгиланган Ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бирга Қуйидаги Қўшимча мажбуриятларга эга:

1) тарқатилаётган контентнинг тўғрилигини, унинг жамоатчиликка очиқ бўлишидан олдин текшириш;

2) шахснинг Қадр-Қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёки ташкилотларнинг ишchanлик обрўсига путур етказувчи ёлғон ахборотни ўзининг аккаунти, оммавий Ҳамжамияти ёки веб-сайтида тарқатмаслик, шунингдек, уларнинг тарқатилишига йўл Қўймаслик;

3) Ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган ўз аккаунти, оммавий Ҳамжамияти ёки веб-сайти, шу жумладан фойдаланувчилар томонидан фикр ва изоҳлар Қолдириш учун мўлжалланган бўлимларининг ноқонуний контентни аниқлаш мақсадида мониторингини амалга ошириш ва аниқланган тақдирда уни зудлик билан ўчириш чораларини қўриш;

4) ўз аккаунтида ва (ёки) оммавий Ҳамжамиятида ёки веб-сайтида ноқонуний контентнинг тарқатилишига йўл Қўймаслик;

5) ёлғон ахборот тарқатилган ҳолларда уни ўчириш ёки фуқаролар, юридик шахслар ва давлат органларининг мурожаатлари асосида ёлғон ахборот мавжуд бўлган дастлаб жойлаштирилган контентга ушбу контент ёлғон эканлигини кўрсатувчи маҳсус ахборот белгисини Қўйиш;

6) жисмоний ва юридик шахсларнинг шаъни ва Қадр-Қимматига ёки ишchanлик обрўсига путур етказувчи ёлғон ахборот тарқатилганлиги тасдиқланган ҳолларда, уларнинг талабига мувофиқ раддия эълон Қилиш;

7) мурожаат Қилиш ва Қайта алоқа ўрнатиш учун тегишли маълумотларни жамоатчиликка очиқ шаклда жойлаштириш;

8) прокурор, терговчи ёки суринтирувчининг ёзма рухатисиз суринтирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон Қилмаслик, суд Ҳукми чиқарилмагунча муайян иш натижаларини олдиндан эълон Қилмаслик ёки бошқа усуллар орқали судга таъсир ўтказмаслик;

9) ўзининг аккаунти, оммавий ҳамжамияти ёки веб-сайти орқали реклама ёки даромад келтирувчи бошқа фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқларни ўз вақтида тўлаш.

Инфлюенсер томонидан мазкур Қонуннинг 21-моддаси иккинчи Қисми 1, 2 ва 5-бандларида ҳамда мазкур модданинг биринчи Қисми 1, 2 ва 5-9-бандларида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, ваколатли орган инфлюенсерга Қонун бузилишини бартараф этиш ҳақида кўрсатма юборади. Ушбу кўрсатма ўн календарь куни ичida бажарилиши ва бажарилганлиги тўғрисида тегишли тарзда ваколатли органга хабардор Қилиниши лозим. Инфлюенсер ваколатли органнинг кўрсатмаси устидан суд тартибида шикоят Қилишга ҳақли.

Инфлюенсер томонидан мазкур Қонуннинг 21-моддаси иккинчи Қисми 3 ва 4-бандларида ҳамда мазкур модданинг биринчи Қисми 3 ва 4-бандларида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Қонуннинг 15-моддасида белгиланган тартибда ноқонуний контентни тарқатилишига қарши чоралар кўрилади.

Инфлюенсер томонидан мазкур модданинг иккинчи Қисмида кўрсатилган кўрсатма талаблари бажарилмаган тақдирда, ваколатли орган онлайн-платформа мулқори ва (ёки) унинг вакилига инфлюенсернинг аккаунти ёки оммавий ҳамжамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш бўйича тақдимнома юборишга ҳақли.

Веб-сайт эгаси томонидан мазкур Қонуннинг 21-моддаси иккинчи Қисмида ва ушбу модданинг биринчи Қисмида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, ваколатли орган томонидан мазкур Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган тартибда ушбу веб-сайтга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида киришни чеклаш бўйича чоралар кўрилиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан мазкур модданинг биринчи қисми 7-бандида назарда тутилган мажбуриятни бажармаган инфлюенсер ва веб-сайт эгасига тегишли бўлган аккаунт, оммавий ҳамжамият ва веб-сайтда реклама берилиши тақиқланади.

Онлайн-платформадаги юридик шахс аккаунти ёки оммавий Ҳамжамияти ва юридик шахс веб-сайтига нисбатан мазкур Қонуннинг 21-моддаси иккинчи Қисмида ва ушбу модданинг биринчи Қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш бўйича жавобгарлик юридик шахснинг онлайн-платформадаги аккаунти ёки оммавий Ҳамжамиятини ёки веб-сайтини юритишга масъул ходимига (агар мавжуд бўлса) ёки юридик шахснинг мансабдор шахсига юкланди.

6-боб. Якунловчи Қоидалар

23-модда. Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҳасида халқаро Ҳамкорлик

Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасидаги халқаро Ҳамкорлик халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат органлари ваколатли орган билан келишилган Ҳолда онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҲуҚуҚларини Ҳимоя Қилиш соҳасида хорижий давлатларнинг давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва чет эл юридик шахслари билан Ҳамкорликни амалга оширади.

24-модда. Онлайн-платформа ва веб-сайтлар түркисидаги Қонунчилікни бузғанлық учун жағобгарлық

Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Ваколатли органнинг кўрсатмаси, тақдимномаси ёки суднинг Қарори асосида ноғонуний контентнинг ўчирилганлиги, агар ушбу контентда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, уни тарқатган шахсни тегишли жавобгарликдан озод этмайди.

Ноқонуний контент тарқатган шахс жавобгарликка тортилганда, тегишли суд Қарори билан ушбу шахсга ноқонуний контентни үчириш мажбурияти юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида онлайн-платформа ва веб-сайтнинг фаолияти ушбу Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилмаган тақдирда, ваколатли орган онлайн-платформа мулқдорига ва (ёки) унинг вакилига, веб-сайт эгасига онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Қонунчиликни бузилишини ўттиз календарь куни ичидаги бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши шарт бўлган тақдимнома юборади (бундан мазкур Қонуннинг 15-моддаси тўртинчи–олтинчи қисмлари ҳамда 16-17-моддалари мустасно).

Онлайн-платформа мулқдори ва (ёки) унинг вакили, веб-сайт эгаси томонидан мазкур тақдимнома Қаноатлантирилмаган тақдирда, ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида онлайн-платформа ва веб-сайтнинг фаолияти ушбу Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш масаласи юзасидан даъво аризаси билан судга мурожаат Қилишга Ҳақли.

Суд ваколатли органнинг даъво аризасини кўриб чиқишида онлайн-платформа мулқдори ва (ёки) унинг вакили, веб-сайт эгасига юборилган тақдимноманинг Қонунийлиги ва асослилигини кўриб чиқади.

Даъво ариза Қаноатлантирилган тақдирда ваколатли орган суд Қарорининг электрон нусхасини онлайн-платформа мулқдори ва (ёки) унинг вакили, веб-сайт эгасига юборади.

Онлайн-платформа мулқдори ва (ёки) унинг вакили томонидан Қонуний кучга кирган суд Қарори ижро этилмаган тақдирда ваколатли орган суд Қарори асосида ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган тартибда онлайн-платформадан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш тезлигини пасайтириш, веб-сайт эгаси томонидан Қонуний кучга кирган суд Қарори ижро этилмаган тақдирда эса, ушбу Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу веб-сайтга киришни чеклаш чораларини кўради.

Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Қонунчилик бузилишларини

бартараф этилиши ҳамда онлайн-платформа мулқдори ва (ёки) унинг вакили, веб-сайт эгаси томонидан бу ҳақда ваколатли органни расмий равишда хабардор Қилиши Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида онлайн-платформадан фойдаланиш тезлигини пасайтириш, веб-сайтга киришни чеклаш чораларини бекор Қилиш учун асос Ҳисобланади.

Онлайн-платформа мулқдори ва (ёки) унинг вакили, веб-сайт эгаси ваколатли органнинг тақдимномаси устидан суд тартибида шикоят Қилишга ҳақли.

25-модда. Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг шаффоғлиги

Ваколатли орган онлайн-платформалар ва веб-сайтлардан фойдаланувчиларнинг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасидаги ўз фаолиятининг шаффоғлигини таъминлайди.

Ваколатли орган шаффоғликни таъминлаш мақсадида:

ўзининг расмий веб-сайтида ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик Ҳисоботларни эълон Қилади;

онлайн-платформалар ва веб-сайтлар мониторинги натижасида аниқланган ноқонуний контент тарқатиш ҳолатлари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни эълон Қилади;

онлайн-платформалар ва веб-сайтлардан фойдаланувчиларнинг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш борасида ишлаб чиқилган дастурларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни эълон Қилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг онлайн-платформалар ва веб-сайтлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни эълон Қилади;

фойдаланувчилар, онлайн-платформа мулқдорлари ёки веб-сайт эгаларининг сўровига кўра ушбу Қонун Қоидаларини қўллаш бўйича тушунтиришлар беради.

Ушбу модда иккинчи Қисмининг иккинчи–бешинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар йилига камида бир марта янгиланиши ва электрон шаклда давлат тилида бўлиши керак.

26-модда. Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасидаги ишларнинг молиялаштирилиши

Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш соҳасидаги ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида онлайн-платформадан фойдаланиш тезлигини пасайтириш бўйича ташкилий ва дастурий-техник чораларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун Ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**”ги 541-І-сонли Қонунида (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган ЎРҚ-78-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 1-сон, 4-модда, 2023 йил ____-сон):

1) **6-модда Қуйидаги мазмундаги тўргинчи ва бешинчи Қисмлар билан тўлдирилсин:**

“Оммавий ахборот воситаларида чиқариладиган ва хорижий давлатлар, халқаро ва чет эл ташкилотлари, хорижий давлатлар фуқаролари билан тузилган шартнома асосида ёхуд уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслар билан тузилган шартнома асосида тайёрланган ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ахборот, муаллифлик ва таҳририй материалда ушбу материалнинг юқорида кўрсатилган субъектлар билан тузилган шартнома асосида ишлаб чиқарилганини ва (ёки) тарқатилганини керак.

Ушбу Қонун мақсадлари учун ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган материал деб ижтимоий-сиёсий мақсадларга эришишда, шу жумладан сиёсий партиялар манфаатини илгари суришда, сайлов ёки референдум натижаларига, давлат ҳокимияти органларининг қарорларига, бошқа давлатга нисбатан жамоатчилик фикрига, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишга қаратилган ахборот эътироф этилади”.

2) Қуидаги мазмундаги 34¹-модда билан тұлдирилсін:

“34¹-модда. Оммавий ахборот воситаларидаги Ҳақиқатта тұғри келмайдыган материалларни идентификация Қилиш Даврий босма нашрнинг электрон нусхасида ва (ёки) Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситаларида Ҳақиқатта тұғри келмайдыган материаллар тарқатылған тақдирда, таҳририят томонидан тегишли материалларнинг Ҳақиқатта тұғри келмаслиги тасдиқланған кундан эътиборан бир иш куни ичидә дастлабки жойлаштирилған материалга ахборотнинг ёлғон эканлигини күрсатувчи ахборот хусусиятига эга маҳсус белги Қўйилиши таъминланиши керак”.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул Қилинган “Ахборотлаштириш тұғрисида”ги 560-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10 модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда; 2023 йил, ____-сон) Қуидаги Қўшимча ва ўзгартиришлар кириллесін:

1) 2-модда Қуидаги мазмундаги учинчи Қисм билан тұлдирилсін:

“Онлайн-платформа ҳисобланған ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари “Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг Ҳуқуқтарини Ҳимоя Қилиш тұғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади”;

2) 3-модданинг саккизинчи хатбошиси чиқарып ташлансин;

3) 12¹-модда ўз кучини йўқотган деб топилсін.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул Қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун Ҳужжатларига ўзгартиш ва Қўшимчалар киритиш тұғрисида”ги ЎРҚ-373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) 23-моддаси ўз кучини йўқотган деб топилсін.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 мартда қабул Қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун Ҳужжатларига ўзгартиш ва Қўшимчалар киритиш тұғрисида”ги ЎРҚ-679-сонли

Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 3, -модда) 3-моддаси 2-банди чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 7 июнда Қабул қилинган “Реклама тўғрисида”ги ЎРҚ-776-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 571-модда; 2024 йил, № 2, 108-модда, 2024 йил №) Қуидаги Қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **5-модда** Қуидаги мазмундаги **йигирма еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“таргетланган онлайн-реклама - профиллаш асосида аниқланадиган мақсадли гуруҳлар учун мўлжалланган ва фойдаланувчилар Қамровини оширишга ва (ёки) унинг устуворлигини оширишга, шу жумладан онлайн-платформанинг тавсиявий тизимидан фойдаланган ҳолда оширишга Қаратилган онлайн-реклама”;

2) **18-модда** Қуидаги мазмундаги **бешинчи ва олтинчи Қисмлар** билан тўлдирилсин:

“Чет давлатлар, халқаро ва чет эл ташкилотлари, чет давлатлар фуқаролари билан тузилган шартнома асосида ёхуд уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслар билан тайёрланган ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ахборот, муаллифлик ва таҳририй материалга ушбу материалнинг юқорида кўрсатилган субъектлар билан тузилган шартнома асосида ишлаб чиқарилганлиги ва (ёки) тарқатилганлиги кўрсатилиши керак.

Ушбу Қонун мақсадлари учун ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган материал деб ижтимоий-сиёсий мақсадларга эришишга, шу жумладан сиёсий партиялар манфаатларини илгари суришга, сайлов ёки референдум натижаларига, давлат ҳокимияти органларининг Қарорларига, бошқа давлатга нисбатан жамоатчилик фикрига, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишга Қаратилган ахборот эътироф этилади”;

3) **31-модда:**

биринчи Қисмидаги “16-моддасида” деган сўзлар “16 ва 18-моддаларида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи** Қисмлар билан тұлдирилсін:

“Онлайн-платформа реклама, шу жумладан таргетланған онлайн реклама түрлісідеги ахборотни үз ичига олган хавфсиз сақлов жойига эга бўлиши керак. Ушбу маълумотлар реклама охирги марта жойлаштирилганидан, тарқатилганидан кейин бир йил давомида сақланиши керак.

Сақлов жойида реклама тарқатилган ёки тарқатилиши мумкин бўлган фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари бўлмаслиги керак.”;

иккинчи Қисм тўртингчи Қисм деб Ҳисоблансан.

28-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижро чиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

29-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ҳукумат Қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган үз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор Қилишларини таъминласин.

30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.